tiyor bu savollarga javob berish uchun kitob varaqlashga majbur bo'ladi. Savollarga javob bergandan keyin esa qal'a taslim bo'lib, o'yinchini katta tantana bilan kutib olinadi. Asta-sekin bunday savollar ko'payib, o'quvchi beixtiyor kitob mutolaasiga kirishadi.

Shu yerda yana bir savol tug'ilishi tabiiy. Nima uchun Iskandar qahramon qilib olindi? "Saddi Iskandariy" dostonida Iskandar shaxsiga e'tibor beradigan bo'lsak, Iskandar vatanparvarlik, mardlik, insonparvarlik, onaga bo'lgan muhabbat, ustozga hurmat, dushmanlariga nisbatan bag'rikenglik kabi xislatlarni ko'rishimiz mumkin. Masalan: Iskandarga nisbatan Shoh Doro hurmatsizlik qiladi va sarkardani kamsituvchi so'zlarni xatga muhrlab yuborishdan ham hayo qilmaydi. Biroq, shoh Doroning o'zi mulozimlari tomonidan fitnaga duch keladi va o'lim yoqasida qoladi. Sarkarda Iskandar raqibi bo'lgan Doroning yoniga kelib, undan uzr so'raydi. Shoh Doro Iskandardan uni qatl etmoqchi bo'lgan xiyonatkor ikki mulozimni qatl etishni, Kayoniylar sulolasiga zulm qilmaslikni, qizi Ravshanakni asrab avaylashini so'raydi. Iskandar bu vasiyatni bajarishga va'da beradi. Dostonning XXVII bobida Iskandarning tanitiligi haqida shunday parcha keltiriladi:

Skandar tokub ashku tortib nafir,

Dedi: "Ki-ey shahanshohi gardunsarir!

Itoat yo'linda nuzul ayladim,

Nekim hukm qilding, qabul ayladim.

Umid ulki tavfiq bergay Iloh

Ki, ruhngg'a qilg'ay meni uzrxoh!" [5].

Ya'ni: Iskandar ko'zidan yosh to'kib, fig'on chekkan holda:

- Ey, dunyo taxtining shahanshohi! Itoat yuzasidan sizning huzuringizga kelgan edim, nimaiki hukm qilgan bo'lsangiz, hammasini qabul qildim. Umidim shuki, O'lloh tavfiq berib, Sizning ruhingiz mening uzrimni qabul aylagay! [6].

Bunday o'yinlar va Iskandarning xislatlari tufayli, mobil o'yinlarni o'ynovchi o'quvchilar sarkardaga o'xshashga, uning xislatlarini o'zlashtirishga harakat qiladi. Iskandarni o'z qahramoniga aylantiradi

Bu mobil o'yinlarning birinchi vazifasi o'quvchi va yoshlarning Navoiy asarlari haqidagi bilimlarini oshirsa, ikkinchi vazifasi esa ularni mobil o'yinlar olamidani olib chiqib kitoblar olamiga qiziqitirishdir

O'yin yaratuvchilarining maqsadi - o'yinchilarni shu o'yinga ipsiz bog'lab olish va ularni o'yinlardan uzoqlashtirmaslik. Bizning maqsadimiz esa bu mobil o'yin orqali o'quvchilarni Navoiy ijodiga qiziqitirish va kitob o'qishga undashdir.

Adabiyotlar

1. "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 - yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida", O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF - 5847 - son Farmoni 2019 - yil 8 - oktyabr. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi axborot tizimi "LexUZ".

2. Tillashayxova M.A. "Ta'lim tizimida axborot texnologiyalarini qo'llashning ilmiy pedagogic masalalari". "Science and education" scientific journal.

3. Tajibayev S., Daurenov E., Olimov A. "Bo'lajak kadrlarni o'qitishda maxsus mobil ilovalar yaratish zaruriyati" // «Fan va jamiyat», № 3. 2020.

4. Alisher Navoiy "Xamsa" - Toshkent: «Yangi asr avlodi», 2014.

5. Alisher Navoiy "Saddi Iskandariy". - Toshkent: «Gafur Gulom», 2020.

REZYUME

Ushbu maqolada Alisher Navoiy asarlarini o'rganishda zamonaviy axborot texnologiyalarining o'rni haqida so'z yuritiladi. Navoiy ijodini o'qitishda va bu bilimlarni mustahkamlashda mobil ilovalarning o'rni, samaradorligi tahlil qilinadi. Mobil o'yinlar orqali o'quvchilar bilimlarini mustahkamlab olishi mumkin.

PEZIOME

В статье обсуждается роль современных информационных технологий в изучении творчества Алишера Навои, анализируется роль и эффективность мобильных приложений в обучении и укреплении знаний о творчестве Навои. С помощью мобильных игр учащиеся могут закрепить свои знания.

SUMMARY

This article discusses the role of modern information technology in the study of Alisher Navoi's works. The role and effectiveness of mobile applications is analyzed in teaching and strengthening the knowledge of Navoi's work. Through mobile games, students can consolidate their knowledge.

PSIXOLOGIYA ILIMLERI КОНСТРУКТИВ ПСИХОЛОГИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

М.Файзнева – психология фанлари номзоди, доцент

Қариш давлат университети

Таянч сўзлар: конструктив психология, диагностика, назарий ва ташкил этилган тажриба блоклари, Плутчик-Келлерман-Конте сўровномаси, химоя тизимининг умумий қучланиши, психологик химоя, копинг хулқ-атвор.

Ключевые слова: конструктивная психология, диагностические, теоретические и организованные экспериментальные блоки, анкета Плутчика - Келлермана-Конте, общая напряженность защитной системы, психологическая защита, компенсаторное поведение.

Key words: constructive psychology, diagnostic, theoretical and organized experimental blocks, Plutchik-Kellerman-Conte survey, overall voltage of the protective system, psychological protection, coping behavior.

Психолог касбий фаолиятининг асосий вазифаларига шахснинг конструктив хусусиятларини барқарорлаштириш ва шакллантириш қиради. Психолог профессионал фаолиятининг асосий воситларидан бири у бажарадиган ҳаракатларнинг муваффақиятини белгилайдиган шахсий ва касбий шаклланганлик психологик қиёфаси (характеристикаси)дир. Психологнинг профессионал фаолиятига хос зарурий хусусиятларининг шаклланиши олий таълимда тахсил олиш даврида руй беради. Олий таълимдаги билим олиш жараёнида бўлажак психолог илмий билим, конструктив ўзаро мулоқот-муносабатларни ташкил-лаштириш ва қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали зарур билим, қўникма ва малакаларни маълум миқдорини эгаллаши керак бўлади. Шахснинг психологик химоясини функциялаштирилиши ҳаётий қийинчиликларни енгишнинг самарадорлигини белгилайди, шахсни ўзи ҳақидаги ижобий таассуротларини сақлаб қолади.

Бўлғуси психологларнинг конструктив психологик химоясини шакллантириш бўйича тажриба-эксперимент ишлар дастури махсус курс "Шахснинг психологик химоя қилиш муаммолари" доирасида амалга оширилди. Махсус курс психология йўналишининг 1-, 2-, ва 3-курсни якунлаётган талабаларида ўтказилди.

Махсус курснинг мазмуни учта блокдан: диагностика, назарий ва ташкил этилган тажриба блокларидан ташкил топган.

Биринчи блок – диагностика. Конструктив психологик химоянинг муваффақиятли шаклланиши кўп томонлама талаба-“Мен” концепциясининг ижобийлиги ва меъёрий шаклланганлигига боғлиқдир. Тузилганлик режасига кўра диагностика блоки шахснинг айрим жиҳатларини, йўналганлигини ва ўзига хос хусусиятларидан ташкил топган-“Мен” концепциясини чуқурроқ англаш орқали ўзлигини такомиллаштиришга қаратилган махсус ташкил этилган ўзини-ўзи англаш жараёнидан иборат [1:48].

Диагностика блоки мазмунан йўналганлигига кўра, махсус курс давомида икки марта амалга оширилади: психология йўналиши талабаларининг психологик химоя

тизимини ўрганишнинг қириш ва чиқиш назорати усулларида.

Бунинг учун қуйидаги методикалардан фойдаландик:

-Плутчик-Келлерман-Конте сўровномаси-психологик химоя тизимининг умумий қучланишини ва унинг алоҳида механизмларини аниқлаш, энг соддадан-етукликгача бўлган химоя механизмларини таҳлил қилиш меъёри;

-копинг стратегиясининг кўрсаткичи-қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича уларнинг конструктивлик ҳаракатлар даражасини баҳолаш;

-шахсий дифференциаллик-ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, психологик фаолиятини химоя қилиш кўрсаткичлари сифатида.

Қириш ва чиқиш психодиагностика кўригидан сўнг, талабалар шахсий ривожланишининг умумий тенденциялари кўрсаткичининг натижалари билан танишадилар, ўзларини бошқариш учун конструктив психологик химоя стратегияларини танлаш билан боғлиқ тавсия ва ечимлар билан қуролландилар[2:65].

Иккинчи, назарий блокда психологик химоя муаммоларига илмий ёндашувлар кўриб чиқилди, унинг доирасида шахснинг психологик химоя ғояси шахснинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва унга қиритилган салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган фаол, онгли жараён сифатида шаклланди. Талабалар билан ўзаро алоқанинг қуйидаги шакллари билан фойдаландик: маърузалар, семинар машғулотлари, шахсга йўналтирилган индивидуал ва гуруҳий маслаҳатлар [2:92].

"Психологик химоя назариясига қириш" мавзусини ўрганишдан мақсад- талабаларнинг психологик химоя феномени ҳақидаги назарий тасаввурларини ўрганишдан иборат эди. Мавзу доирасида психологик химоянинг ўрганилиш тарихи, мамлакатимиз ва хорижий психологияда психологик химоя бўйича замонавий ғоялар ҳақида маълумотлар берилди [3:54].

"Химояланган хулқ-атвор психологияси" мавзуси талабаларнинг хулқ-атворида психологик химоянинг кўринишлари ҳақидаги фикрларини шакллантириш мақсадида ўрганилди.

1-жадвал

Диагностика блоки (қириш назорати) Методикалар бўйича тест: Плутчик-Келлерман-Конте сўровномаси; копинг стратегиялари кўрсаткичи (Д. Амирхан); шахснинг муҳим жиҳатларини ўрганиш методикаси.
Назарий блок "Психологик химоя назариясига қириш" "Психологик химоя" концепциясининг ривожланиш тарихи ва мамлакатимиз ва хорижий психологияда (психотерапевтик концепциялар, установка (шайлик) назарияси, ижтимоий-психологик мослашув жараёни, ҳиссиётларнинг психозволюцион назарияси ва бошқалар) психологик химоя ҳақидаги замонавий ғояларни ўрганиш. "Химояланган хулқ-атвор психологияси" Психологик химоянинг функционал даражасини, психологик химоя механизмларининг намоён бўлиши ва химояланган хулқ-атвор стратегиясини ўрганиш. Ўзаро таъсирнинг шакллари ва усуллари Маърузалар, семинар машғулотлари, индивидуал ва гуруҳий маслаҳатлар. маслаҳатлари.

Ташкилий блок

"Конструктив психологик химоянинг шаклланиши"

Конструктив психологик химоя хусусиятларини ўрганиш. Конструктив психологик химояни шакллантиришнинг психологик ва педагогик шарт-шароитлари.

"Шахслараро муносабатларда конструктив психологик химоядан фойдаланиш"

Психологик химоянинг конструктив ва деструктив (халокатли) стратегияларини ўрганиш: мулоқотда, манипулятив ўзаро таъсирлардан психологик химояланишда, шахслараро тўқнашувларда. Химояланган хулқ-атвор таҳлили.

Ўзаро таъсирнинг шакллари ва усуллари

Шахсий маслаҳат, гуруҳий маслаҳат, кузатиш, суҳбат, тренинг машғулоти, эксперт баҳолаш усули, ролларни бажариш ўйинлари, мунозаралар.

Диагностика блокти (чиқиш назорати)

Методикалар бўйича синовдан ўтиш: Плутчик-Келлерман-Конте сўровномаси; копинг стратегиялари бўйича кўрсаткичлар (Д. Амрихан); шахснинг муҳим жиҳатларини аниқлаш методикаси.

Ибтидоий механизмлардан фойдаланиш частотасини камайтириш ва юксак кучланишнинг ошиши тадқиқот мақсадини тасдиқлаш имконини беради. Тадқиқотда амалга оширилган илмий тарбиявий таъсир талабалар шахсининг психологик химоя тизимига конструктив таъсири аниқланди.

Психологик тадқиқотимизнинг диагностик натижаларини муҳокама қилишнинг навбатдаги босқичига ўтамиз. 1-жадвалда тақдим этилган психологик химоя механизмларининг талабалар гуруҳларидаги сезиларли фарқларини таҳлил қилиш Стъудент мезони ёрдамида амалга оширилди.

1-жадвал. 1-курс талабаларининг психологик химоя қилиш механизмларининг кескинлигини таққослаш Тг-1 ва Нг-1 ўзаро таъсирдан кейин

Психологик химоя механизмлари	Тг-1 курсда психологик химоя механизмининг кучланиши (%)	Нг-1 курсда психологик химоя механизмининг кучланиши (%)	t < P
Ўрнини эгаллаш	38	50	2,12
Орқага қайтиш	43	54	2,55
Ўрин алмаштириш	41	46	2,01
Рад этиш	44	60	2,15
Лойihalатириш	56	60	2,02
Компенсация	69	60	2,80*
Гиперкомпенсация	42	33	2,78*
Рационализация	54	51	1,99
ПХУК	48	50	1,83

Эслатма: 1,11-0,05 (2.04) даражасида муҳим аҳамиятга эга.

1,11* - муҳим аҳамиятга эга бўлган 0,01 (2.75).

t < P. - Стъудент мезонининг аҳамиятли кўрсаткичи.

Ибтидоий химоя гуруҳида механизмларнинг кескинлиги статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайиб борди: "ўрнини эгаллаш" (фарқ-12%); "орқага қайтиш" (фарқ-11%); "рад этиш" (фарқ-16%). Психологик химоянинг юксак механизмлари гуруҳида "компенсация" (фарқ-9%), "гиперкомпенсация" (фарқ-9%) дан фойдаланиш частотасининг ошиши кайд этилди [3:73].

Таъкидлаш жоизки, Тг-1 ва Нг-1 талабаларида химоя механизмларининг умумий кескинлиги (ПХУК) нинг кўрсаткичлари статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилмайди, аммо ҳосил қилувчи ўзаро таъсир натижасида ҳар икки гуруҳ субъектларининг қийинчиликларни бартараф этишлари учун

Адабиётлар

1. Доценко Е.Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. – СПб.: Речь, 2004. –С. 304.
2. Фрейд А. Эго и механизмы защиты. – М.: «Эксмо», 2003. –С. 256.
3. Файзиева М.Х. Шахснинг психологик химоя механизмлари. Монография. Қарши "Насаф" НМИУ, 2021. 144-б.

Мазкур мақолада конструктив психологияни шакллантириш омиллари, бўлғуси психологларнинг конструктив психологик химоясини шакллантириш бўйича тажриба-эксперимент ишлар дастури, бу борада ташкил этилган диагностик, назарий ва ташкил этилган тажриба блокларидан самарали фойдаланиш усуллари хусусидаги фикрлар батафсил ёритилган.


В данной статье подробно рассмотрены факторы формирования конструктивной психологии, программа опытно-экспериментальных работ по формированию конструктивной психологической защиты будущих психологов, методы эффективного использования организованных в этой области диагностических, теоретических и экспериментальных блоков.

SUMMARY

This article describes in detail the factors of formation of constructive psychology, the program of experimental work on the formation of constructive psychological protection of future psychologists, ways to effectively use the established diagnostic, theoretical and organized experimental blocks.

сифат жиҳатидан турли механизмлар кўрсаткичлари фарқланди.

1-расм



1-расм. 1-курс психология йўналиши талабаларининг тажриба гуруҳида копинг-хулқ-атвор стратегиясини тақсимланиши.

Талабаларнинг копинг хулқ-атвор хатти-ҳаракатларидаги ўрта гуруҳ ўзгариши фақат "муаммони ечиш" стратегиясини қўллашда (тажрибагача-73%, кейин-88%; фарқ-15%). Талабаларнинг қийинчилик-ларни енгиб ўтиш йўллари мустақил излашга бўлган интилишлари кучайиб борган.

"Ижтимоий қўллаб-қувватлаш" стратегиясига амал қилиш интенсивлиги (тажрибагача -60%, кейин-60%), "қочиш" механизмидан фойдаланиш (тажрибагача -58%, кейин-58%) ўзгаргани йўқ

Юқоридаги психологик таҳлил ва тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келтириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Психологик химоядан фойдаланиш эмоционал стрессни бартараф этиш, хатти-ҳаракатларнинг тартибсизликларини олдини олиш, қисқа вақт ичида янги ижтимоий-психологик шароитларга мослашиш имконини беради. Баъзи ҳолларда химоя механизмлари доимий можаролик ҳолатига олиб келиши мумкин, шунинг учун улар халокатли (деструктив) ва конструктив психологик химоя механизмлари сифатида таснифланади.

Шахснинг психологик химояси копинг хулқ-атвор (шахсий муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилган ҳаракатлар) химоя механизмлари ва стратегиялари билан таъминланади. Биргаликда улар адаптив (мослашув) жараёнларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ шакллари ва шахснинг стрессли вазиятларга жавоб беришини таъминлайди.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

ОНКОЛОГИК БЕМОРЛАР ҲАЁТ СИФАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ АЗАРҲИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Д.А.Уразбаева – психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Ургенч давлат университети

Таянч сўзлар: психология, психоонкология, онкобемор, ҳаёт сифати, саломатлик.

Ключевые слова: психология, психоонкология, онкопациент, качество жизни, здоровья.

Key words: psychology, psychooncology, cancer patient, quality of life, health.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасида бирмунча ўзгаришлар кузатилади. Бир томондан илдизи ўрта аср ва ундан ҳам олдинги даврларга бориб тақалган даволаш санъатининг анъанавий усулларини сақлаб қолиш, бошқа томондан молекуляр генетика, иммунология, компьютер технологиясининг охириги муваффақиятлари ва психология фани ютуқларидан амалиётда фойдаланишни тавсифлайди.

Тиббий тадқиқотларда физикал маълумотлар ва лаборатория кўрсаткичлари даволаш самарадорлиги мезонлари сифатида намоён бўлади. Жумладан, анемияда даволаш самарадорлиги гемоглабин даражаси ёки зарурий трансфузиялар миқдорини баҳолашда, ОИТС ёки саратонда эса даволаш ва яшовчанликка жавоб бериш самарадорлигини аниқлаш сифатида ўрганилади. Клиник тадқиқотларда стандарт тиббий-биологик мезонлар асосий даволаш самарадорлиги мезонлари ҳисоблансада, улар беморларни ўз-ўзини ҳис қилишини ёки уларнинг кундалик ҳаётидаги фаолиятини акс эттирмайди. Муайян касалликларда беморларни ўз ҳолатини баҳолаш саломатлигининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади (Staquet M. et al., 1996).

Баъзан тадқиқотчилар ва клиницистлар шундай ҳисоблайдиларки, даволашдаги қандайдир ўзгаришлар ёки тиббий-биологик мезонлар бемор ҳаёт сифати яхшиланишидан дарак беради. Кўпчилик ҳолатларда бу тасдиқ мос келишига қарамадан, бир қатор клиник вазиятларда бемор ҳаёт сифатини баҳолашда қўйилмаган натижалар келиб чиқади. Бунга анъанавий мисол сифатида 1982 йилда Sugarbaker ва унинг ҳамкасблари томонидан олиб борилган юмшоқ тўқимали саркомани даволашдаги 2та ёндашув таққосланган тадқиқотни келтириш мумкин [Sugarbaker PH, et.al]. Биринчи ёндашувда қўл-оёқларни сақлаб қолган ҳолда операция ўтказилиб, давомли нур терапиясидан фойдаланиш бўлса, иккинчи ёндашувда қўл-оёқлар ампутация қилинган. Тахмин шундан иборат бўлганки: “ампутациядан фарқли равишда қўл-оёқларни сақлаб қолиш бемор ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келади”. Ҳаёт сифати тадқиқоти натижасига кўра, оёқ-қўллари сақлаб қолиниб, жаррохлик амалиёти қилинган ва кейинга вақтларда нур терапияси билан даволанган беморларда ҳаракат ва жинсий фаоллик пасайиши кузатилади. Бу маълумотлар таянч-ҳаракат тизими ва эндокрин тизим функциясини бошқа методлар билан баҳолашда тасдиқланган. Мазкур тадқиқот натижалари юмшоқ тўқимали саркомани даволаш стратегиясини ўзгартиришга қаратилган янги нур терапияси режими ва реабилитация дастурларини қайта ишлаб чиқишга олиб келган [Hicks JE. Et al., 1985]. Шунга кўра, шифокор интуицияси тажрибали мутахассисларни кам хатоликларга йўл қўйиши олиб келишига қарамадан, ҳаёт сифати яхшилانган ҳамда тадқиқотлар ўтказиш зарурати келиб чиққан.

Тиббий билимлар ривожланишида аҳоли касалланиши тизими ўзгариши ва бемор ҳуқуқини шахс сифатида ҳурмат қилиш касаллик тушунчасининг янги парадигмаси яратилиши ва даволаш усулларининг самарадорлигини аниқлашга олиб келди. Шифокорлар патологик ўзгаришларнинг объектив камайиши бемор ўзини яхши ҳис қилиши билан кузатилиши муҳим эмаслигини ва даволаш натижасидан беморнинг ўзи қониқиши муҳимлигини тушуниб бошлаганларидан кейин, тиббиётда беморнинг ҳаёт сифатига қизиқиш вужудга кела бошлаган. Кейинги йилларда ҳаёт сифатига бағишланган нашрлар интернетда 4,5млнга етган ва ҳаёт сифатига қаратилган бу эътибор ҳар йили юқори ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Интернетдаги маълумотлардан ташқари махсус услубий қўлланма ва даврий нашрлар ҳам мавжуд [2], [3], [9], [22], [24].

Шундан келиб чиқиб, замонавий адабиётларда мазкур атамани тез-тез ишлатиш частотаси, тиббиётда ҳаёт сифати кенг ишлатиладиган тушунча ҳисобланади, интеграл кўрсаткич, инсоннинг касалликка мослашув даражасини акс эттирадиган ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига мос келадиган одатий функцияларни бажариш имкониятидир [14], [16].

Лаборатор ва инструментал технологияларнинг ривожини ҳар қандай патологик жараёнларни изоҳлаш имкониятини очди. Шундан келиб чиқиб, XX асрда касалликлар ривожланишидаги сабаб ва қонуниятларни ўрганиш борасида қўлга киритилган муваффақиятлардан “касалликни эмас, касални давола” деб номланган таниқли тамойил XIX аср ўрталарида Ҳарбий-тиббий академия профессори С.П.Боткин томонидан шаклланди [3]. Врач ва бемор ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнининг муайян технократик девиацияси жамиятда ўтган бир аср давомида шаклланди табиий эволюция натижаларига олиб келган. Мазкур феноменни англаш XX асрнинг охириларида содир бўлган ва бу проф. С.П.Боткин томонидан яратилган ва замонавий интерпретацияда “бемор ҳаёт сифати” тадқиқоти концепцияси кўринишида намоён бўлган [2].

Концепциянинг принципиал низомларининг бирига инсон ҳолатининг асосий: жисмоний, психологик, ижтимоий ва маънавий функцияларини баҳолаш учун ягона мезонни тадбиқ қилиш зарурати ҳақидаги постулат киради. Бу мезонни қайта ишлаб чиқиши ва “Ҳаёт сифати” номига эга бўлиши XX асрнинг машҳур илмий ходисаларидан бири ҳисобланади.

“Ҳаёт сифати” тушунчаси дастлаб ғарб фалсафасида пайдо бўлган бўлиб, кейинчалик тезлик билан социология ва тиббиётга тадбиқ қилина бошланган [2].

Тиббиётда ҳаёт сифати бўйича тадқиқотлар тарихи 1949 йилда Колумбия университети профессори D.A.Karnovskunинг “Саратонда химия терапияни клиник баҳолаш” номили мақоласи чоп қилингандан кейин бошланган. Мақолада у онкологик беморларнинг мисолида фақат умумқабул қилинган тиббий кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, касалликнинг турли ижтимоий ва психологик оқибатларини ўрганиш заруратини кўрсатган [19]. Бу тадқиқот бемор шахсини ҳамма томондан ўрганишнинг ижобий бошланиши бўлган ва бу санадан “Ҳаёт сифати” илми ҳақида тарих бошланган. Айнан ҳаёт сифати атамаси биринчи марта 1966 йилда J.R.Elkington томонидан “Annals of internal medicine” (Интернал тиббиёт хроникаси) журналида “Тиббиёт ва ҳаёт сифати” мақоласида қўлланилган бўлиб, мазкур муаммога “инсон ички ва дунё билан орасидаги гармония, бемор, врач ва умумий яхлит ҳаракат қиладиган гармония” сифатида қатъий диққат қаратилган [15].

Расмий равишда тиббиётда бу атама 1977 йилда биринчи марта “Cumulated Index Medicus” рубрикасида қўлланилгандан кейин тан олинган (12). 1970-1980 йилларда ҳаёт сифати концепциясининг асослари яратилган, 1980-1990 йилларда турли нозологияларда ҳаёт сифати тадқиқотларининг методологияси ишлаб чиқилган [18], [20].

1995 йилдан Францияда халқаро нотижорат ташкилот ҳаёт сифатини ўрганадиган институт MAPI Research Institute-дундаги ҳаёт сифати соҳаси барча тадқиқотларининг асосий координатори фаолият юритиб келмоқда. Институт ҳар йили ҳар қандай даволаш мақсади тўлиқ соғлом инсонлар даражасига беморларнинг ҳаёт сифатини яқинлаштириш ҳисобланади, деган тезисни ҳаётга тадбиқ қилган ҳолда, ҳаёт сифати тадқиқотлари (International Society for Quality of Life Research -ISOQOL) бўйича конгресс ўтказиб келади [25].

Бугунги кунда ягона умумҳажмдаги “ҳаёт сифати” тушунчаси мавжуд эмас. Қуйида “ҳаёт сифати” тушунчалар келтирилган бўлиб, ҳар бири тушунчани ўзига хос тарзда акс эттиради.

Ҳаёт сифати – бемор ёки соғлом инсоннинг унинг субъектив идрокига асосланган жисмоний, психологик, эмоционал ва ижтимоий функциясининг интеграл тавсифидир (Новик А.А. ва бошқалар. 1999й) [2], [3].

Ҳаёт сифати – инсоннинг ўз ички ва у яшаётган жамият доирасидаги қулайлигидир [5].

Ҳаёт сифати – бу даволаниш жараёнида беморга ёки саломатлик ҳолатига функционал таъсири ҳисобланади [13], [21]. Шундан келиб чиқиб, бу жисмоний ва касбий функцияларни, психологик ҳолатни, ижтимоий таъсирлашув ва соматик ҳисларни камраб олган субъектив ва кўп ўлчовли тушунчадир [21].

Хаёт сифатини турли хилда аниқлаш усуллари мавжуд бўлиб, умумқабул қилинган тушунчага кўра, хаёт сифати кўп ўлчовли тушунча ҳисобланади ва бемор фаровонлигига касаллик ҳамда даволашнининг таъсирини акс эттиради. Беморнинг хаёт сифати касаллик ва уни даволашнинг жисмоний, эмоционал ва ижтимоий фаровонлигига қандайдир даражада таъсир қилишини тавсифлайди [2]. Шунингдек, баъзи ҳолларда бу тушунча ўзига бемор фаолиятининг иқтисодий ва маънавий жиҳатларини ҳам қамраб олади.

Ҳозирги вақтда беморнинг хаёт сифати тиббий тадқиқотларда даволаш самарадорлигининг муҳим, кўпинча асосий аниқлаш мезони ҳисобланади.

Шу ўринда таҳлил қилиш ва баҳолаш методларига алоҳида эътибор талаб қилинади. Хаёт сифати тадқиқоти методологияси илмий экспертизадан ўтиши керак ва умумқабул қилиниши талаб қилинади. Бу шу ўринда жиддийки, хаёт сифатини баҳолаш беморни ўзида олиб борилади, методологияга талаб унинг тиббий маълумотларидан ҳам жиддийроқ ҳисобланади. Хаёт сифатини ўрганиш тадқиқотини олиб бораётган мутахассисларга ва хаёт сифатининг турли жабҳаларини ўрганишга қаратилган таълимий материалларга қатъий талабларни кўрсатиш зарур бўлади. Бу борада хаёт сифатини ўрганиш Халқаро жамияти (International Society for Quality of Life Research - ISOQOL) ташкил қилинган бўлиб, бу жамият хаёт сифати тадқиқотлари соҳасидаги мутахассисларда билимлар ва ягона ёндашувларни шакллантиришга имкон беради.

Хаёт сифати – тушунчаси нафақат соғлиқни сақлаш, балки инсон фаровонлиги учун хизмат қиладиган замонавий жамиятда хаётни барча соҳаларига тааллуқлидир.

“Хаёт сифати” тушунчаси касалликни тушунишда янги парадигманинг асоси ва уни даволашнинг самарали методларини аниқлаш деб қабул қилинган.

Тиббиётда хаёт сифатини ўрганиш концепцияси Хаёт сифатини ўрганиш Халқаро маркази экспертлари томонидан ишлаб чиқилган [3], [10]. Концепциянинг асосий элементлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- “хаёт сифати” тушунчасини аниқлаш;
- хаёт сифати таркиби;
- хаёт сифатини ўрганиш методологияси;
- Тиббиётга тадбиқ қилишнинг асосий йўналишлари [2].

Адабиётлар

1. Журман В.Н. Оценка качества жизни больных раком яичников 1-III стадии по общему опроснику EQ-5D и специальному опроснику EORTC QLQ-C30 / В.Н. Журман, Е.В. Елисеева, А.П. Гулевич, М.В. Волков // Качественная клиническая практика. 2016. - № 2. - С. 46-51.
2. Новик А.А., Ионова Т.И. Руководство по исследованию качества жизни в медицине. 2-е издание / под ред. акад. РАМН Ю.Л. Шевченко. М.: ЗАО «ОлмаМедиа Групп», 2007. - С. 320.
3. Новик А.А., Ионова Т.И., Кайнд П. Концепция исследования качества жизни в медицине. -СПб.: “Элби”, 1999. - 140
4. Новик А.А., Ионова Т.И. Исследование качества жизни в медицине. Учебное пособие для ВУЗов / под ред. Ю.Л.Шевченко. -М.: ГЭОТАР-МЕД, 2004.
5. Сенкевич Н.Ю. Качество жизни предмет научных исследований в пульмонологии / Н.Ю. Сенкевич // Тер. архив. 2000. Т. 72, №3. -С. 36-41.
6. Уразбаева Д.А. Онкологик бемор аёллар эмоционал соҳасига таъсир этишининг психологик механизмлари (монография). - Урганч.: “Кувончбек-машхура”, 2020.
7. Усманова, Е.Б. Психологические факторы качества жизни больных с опухолевым поражением костей: автореф. дисс. ... канд. психол. наук: 19.00.04 / Усманова Екатерина Бахромовна. -Санкт-Петербург: 2016. -С. 26.
8. Чулкова, В.А. Оценка психологического статуса онкогинекологических больных в процессе психологической реабилитации / В.А. Чулкова, Е.В. Пестерева, Т.Ю. Семиглазова, Е.Г. Ульрих, О.А. Пестерева // Ученые записки СПбГМУ им. акад. И.П.Павлова. 2018. № 25 (1). -С. 62-67.
9. Шевченко Ю.Л. Концепция исследования качества жизни в здраво- охранении России Вестник Межнационального Центра исследования качества жизни, 2003. -С. 3-21.
10. Шевченко Ю.А. Качество жизни в кардиологии // Вестник РБМА. 2000. -Т. 9. -С. 5-15.
11. Aaronson N.K. Quality of life assessment in clinical trials: methodologic issues // Control Clin. Trials. -1989. - Vol. 10. -P. 195-208.
12. Bowling A. Measuring Disease: a review of disease-specific quality of life measurement scales. - Open University Press: Philadelphia, 1996. -374 p.
13. Cella D. Measuring quality of life in palliative care. Seminars in Oncology 1995:73-81.
14. Cultural Adaptation of QoL Instruments // News Letter QoL. 1996. № 13. P. 5.
15. Elkinson J. R. Medicine and the quality of life // Annals of Internal Medicine. 1966. Vol. 64. P. 711-714.
16. Juniper E.F. From Genetics to QoL. The Optimal Treatment and Management of Asthma. Hogrefe & Huber Publishers, 1996.
17. Juniper E.F. et al. /Determining a minimal change in a disease-specific quality of life questionnaire / J. Clin. Epidemiol. 1994. V. 47. № 1. P. 81-87.
18. George M.R. et al. A comprehensive educational program improves clinical outcome measures in inner-city patients with asthma // Arch. Intern. Med. 1999. V. 159. № 15. P. 1710.
19. Karnovsky D.A. et al. / Evaluation of Chemotherapeutic Agents / Ed. by Macleod C.M. Columbia University Press, 1947. P. 67.
20. McSweeney A.J., Grant I., Heaton R.K. et al. Life quality of patients with chronic obstructive pulmonary disease. / Arch Intern Med. 1982.
21. Schipper H., Clinch, J.J., Olweny C.L. Quality of life studies: definitions and conceptual issues, In Spilker B Quality of Life and Pharmacoeconomics in Clinical Trials // Lippincott-Raven Publishers: Philadelphia. 1996. P.11-23.
22. World Health Organization. Quality of life group. What is it Quality of life? Wld. Hth. Forum. 1996. V.1. P.29.
23. World Health Organization. Cancer pain relief. Geneva: WHO, 1986. -P. 6-26.
24. <http://www.quality-life.ru/>
25. <http://www.isoqol.org/>

Мазкур мақолада онкологик беморлар хаёт сифатини тадқиқ қилиш масаласининг муҳимлиги таҳлил қилинган. Жумладан, хаёт сифати тушунчаси, онкологик беморлар хаёт сифатини ўрганишнинг муҳимлиги, хаёт сифатини ташкил қилган компонентлар келтирилган. Шунингдек, турли олимлар томонидан беморлар хаёт сифати концепциясини яратилиши қабила алоҳида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В данной статье проанализирована проблема необходимости изучения качества жизни онкологических больных. Преведено в частности, понятие качества жизни, важность изучения качества жизни онкологических больных, компонентов, составляющих качество жизни. В нем также подчеркивается создание концепции качества жизни пациентов различными учеными.

SUMMARY

In this article analyzed the problem of the need for study of the quality of life of cancer patients. In particular, the concept of quality of life, the importance of studying the quality of life of oncological patients, the components that make up the quality of life are translated. It also highlights the creation of the concept of patient quality of life by various scientists.

USTAZLAR SHEJIRESI

УЧЁНОМУ – ПЕДАГОГУ Г.Г.ЕРКИБАЕВОЙ – 70 ЛЕТ

Т.Т.Утебаев – доктор педагогических наук, доцент

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза



Научная и педагогическая общественность Казахстана в этом году отмечает юбилей известного ученого в области педагогики, истории педагогики и этнопедагогики, теории и практики обучения и воспитания, доктора педагогических наук, профессора, академика Академии образования имени Алтынсарина Гульрайуз Гиниятовны Еркибаевой.

Гульрайуз Гиниятовна начала трудовую деятельность учителем средней школы в Шардаринском районе Южно-Казахстанской области. Более 20 лет она проработала в этой школе, сначала учительницей русского языка и литературы, затем замдиректора по учебно-воспитательной работе.

В течение всей своей преподавательской деятельности Г.Г.Еркибаева постоянно занимается исследовательской работой, результатом чего явилась успешная защита в 1995 году кандидатской диссертации.

С 1996 по 2004 г. она работала старшим преподавателем, доцентом, заведующей кафедрой, ученым секретарем в университете «Сырдарья». В 2004-2005 годы Гульрайуз Гиниятовна плодотворно трудится в должности вице-президента по научной работе университета «Мирас». Последующие годы деятельности ученого уже связаны с кафедрой педагогики Шымкентского института Международного казахско-турецкого университета. Плодом кропотливой работы в вузе являются такие научные достижения, как защита в 2002 году докторской диссертации при Алма-атинском государственном университете им. Абая, избрание в 2007 году академиком Академии образования им. Алтынсарина, присуждение в 2008 году ученого звания профессора ВАК.

Ученым опубликовано более 500 трудов, в том числе учебников, электронных учебников, монографий, учебных пособий, методических пособий, научных статей (в Турции, Латвии, Китае, Кипре, Таиланде, Америке, Украине, России, Кыргызстане и т.д.). Монография «Общие основы этнопедагогики» была опубликована в Германии. Монография «Нравственное воспитание старшеклассников средствами народной педагогики» была опубликована в Чехии.

Труды Г.Г. Еркибаевой посвящены проблемам педагогики и лингводидактики. Она внесла большой вклад в формирование и совершенствование коммуникативной компетенции по русскому языку у учащихся школ с казахским языком обучения. Является победителем республиканского конкурса «Известный педагог» (заняла одно первое место, два вторых места, два третьих места по разным номинациям), на международном конкурсе «Моя педагогическая профессия» заняла 2-ое место, на республиканском

конкурсе «Педагогический опыт» заняла 3-е место.

За заслуги в педагогике была награждена золотой медалью К.Д. Ушинского научно-промышленного консорциума: Великобританская академия естествознания, Германская академия естествознания, Российская академия естествознания и книжная палата Германии (ESIK), ее труды, опубликованные в Европе, были отмечены золотой медалью «Европейское качество» научно-промышленного консорциума (ESIK). Труды по новым технологиям Российской академией естествознания были отмечены золотой медалью «За новаторскую работу в области высшего образования». Ее научная и общественная деятельность отмечена серебряной медалью В.И. Вернадского.

Профессор Г.Г. Еркибаева является действительным членом Международной академии естествознания, членом-корреспондентом Российской академии естествознания (юбилейная медаль и диплом). Ей присвоено почетное звание «Основатель научной школы» – научная школа «Учебная лексикография в школе и вузе» (нагрудной знак и сертификат).

На Международную книжную выставку-презентацию были представлены два ее учебных пособия («Общие основы этнопедагогики», «Использование на уроках русского языка в старших классах школ с казахским языком обучения словарей различных типов»), оба были признаны лучшими учебно-методическими изданиями в отрасли и награждены дипломами лауреата Всероссийской выставки. Монография «Использование на уроках русского языка в старших классах школ с казахским языком обучения словарей различных типов» получила национальный сертификат качества в номинации «Лучший информационный проект», а книга «Общие основы этнопедагогики» рекомендована УМО РАО по классическому, университетскому и техническому образованию в качестве учебного пособия для студентов высших учебных заведений, обучающихся по специальности 5B0118000 «Русский язык и литература».

Г.Г.Еркибаева является мудрым наставником и руководителем. Под ее руководством успешно защитили кандидатские диссертации 5 аспирантов, продолжаются дальнейшие научные изыскания. Профессор Г.Г. Еркибаева – обладатель гранта МОН РК «Лучший преподаватель вуза» 2009 года. Она являлась официальным оппонентом докторских и кандидатских диссертаций соискателей, занимающихся проблемами русского и казахского языков, общей педагогики, истории педагогики и этнопедагогики, из разных городов Казахстана.

Нельзя думать, что жизнь Гульрайуз Гиниятовны ограничена только служебной деятельностью. Она гостеприимная хозяйка, преданная жена, заботливая мать четырех детей и любящая бабушка.

В канун юбилея мы, друзья и коллеги, искренне поздравляем Гульрайуз Гиниятовну и желаем ей крепкого здоровья, неутомимой энергии, новых талантов и бодрости духа на долгие годы!